O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 23-sentabr • Payshanba • 113 (31.233) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!
Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафеълигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмунмоҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига аввламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

(Давоми 2-бетда.)

«Айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришиши лозим.

Ишончим комилки, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради».

Президент Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида келтирилган ва шахсан ўзининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг «ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётийлиги билан халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакат аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидадир. Нутқда таъкидлаб ўтилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ушбу потенциалнинг янада мустаҳкамланишига шароит яратмоқди. Бу омил Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ислом Каримов эътироф этган экологик муаммо — Орол денгизининг қуриб бораётгани ва шу аснода трансчегаравий дарёлардан нооқилона фойдаланишга уриниш аллақачон бутун халқаро ҳамжамият эътиборини тортиши лозим эди. Бу масалада заррача бефарқлик катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Президентнинг узоқни кўра билувчи сиёсати билан ҳозиргача минтақада кўплаб муаммоларнинг олди олинди ва барқарор тинчликка эришилмоқда.

Кэрол ЖАКОМО,
«Нью-Йорк Таймс» газетаси муҳаррирлар кенгаши аъзоси, халқаро сиёсий шарҳловчи

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА *хизмат қилувчи фикрлар*

Муносабат

■ Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида билдирилган фикр-мулоҳазалар бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалаларга қаратилди.

БМТ Мингйиллик ривожланиш декларациясида белгиланган эзгу мақсадларни изчил амалга ошириш, энг аввало, дунё тинч бўлишини талаб этади. Президентимиз ўз нутқи аввалида бу масалага саммит қатнашчилари эътиборини қаратди. Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар, қарама-қаршиликлар, давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар қашшоқлик, очлик ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши курашга энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолаётганига 30 йилдан буён Афғонистонда давом этаётган уруш яққол мисол эканини таъкидлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз раҳбари қўшни Афғонистон масаласи ечими бўйича кўплаб нуфузли халқаро анжуманларда аниқ ва ҳаётий таклифларни билдириб келмоқда. Афғонистондаги урушни фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр ҳақиқатлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бугун бу фикр ва ушбу муаммо ечими бўйича Ўзбекистон раҳбари таклифларини дунё жамоатчилиги тан олди.

Президентимиз бу масалага яна тўхталаркан, бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлаётгани, коалиция кучларининг тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси кутилган натижаларни бермаётгани, аҳвол борган сари оғирлашаётганини эслатиб ўтди. Афғонистонда тинчликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамиятга эгалигига яна эътибор қаратди. Бу борада Ўзбекистон таклиф этган 6+3 мулоқот гуруҳи мақсади ҳақида тўхталаркан, бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги каби долзарб муаммоларни ҳал этишга эътибор берилиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Юртбошимиз 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш, тинчликка раҳна солиш мақсадида учинчи кучлар томонидан содир этилгани, бу қонли воқеа буюртмачилари, ташкилотчиларини жиноий жавобгарликка тортиш муҳим вазифа эканини асослаб берди.

Тинчлик ва барқарорликка хизмат қилувчи бу фикрлар халқимизнинг хоҳиш-иродаси ифодасидир. Тинчлик, осойишталикни қадрловчи, одамзот муносиб ҳаёт кечиришини истовчи ҳар бир киши бу таклифларни қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Мажидхон УСМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

■ Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг «Дари Занжир» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ҳудудий семинар партиянинг бошланғич ташкилотлари ишини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Электоратнинг ижтимоий фаоллашуви — ***қуйи бўғин фаолиятининг самарасига боғлиқ***

— Корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотларнинг партия дастурий мақсадларини тарғиб этишдаги иштироки ортиб бормоқда, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — Уларнинг ишларини янада такомиллаштириш билан бирга, фаолларимиз ва тарафдорларимиз сафини кенгайтиришда маҳаллалардаги ҳудудий ташкилотларимизнинг ташаббускорлигини ошириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар, ҳукумат қарорлари ижроси устидан мониторинг ва таҳлиллар ўтказишда ҳозирги вақтда вилоятдаги бошланғич ташкилотлар фаолияти, очиғи, унчалик сезилмаяпти. Ҳолбуки, фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

— Жорий йилда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишга қаратилган ўндан ортиқ семинар-тренинглар айнан бошланғич ташкилотлар ташаббуслари асосида ўтказилди, — деди вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Дилбар Имомова. — Уларнинг натижалари ўлароқ, ўнга яқин аёлларга моддий ёрдам кўрсатилиб, 15 нафар қиз ишга жойлашишида кўмак берилди. Бу мисоллар хотин-қизлар масалаларида ҳам бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

— Мазкур тадбир ҳам шундай ҳамкорлик самарасидир, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий ахборот-таҳлил маркази катта илмий ходими Соҳиб Аминов. — Қуйи ташкилот қаерда фаол бўлса, шу ерда партиянинг мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш борасида самарали ишлар амалга оширилади.

➔2

ОБ-ҲАВО 23-24.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	25°C	26°C
Самарқанд	24°C	24°C
Нукус	26°C	27°C
Қарши	27°C	29°C
Урганч	26°C	27°C
Навоий	24°C	25°C
Фарғона	23°C	24°C
Бухоро	26°C	27°C
Андижон	23°C	25°C
Наманган	23°C	25°C
Термиз	27°C	28°C
Жиззах	24°C	25°C
Гулистон	24°C	24°C
Тошкент вил.	24°C	25°C
Лондон	19°C	21°C
Париж	22°C	23°C
Москва	15°C	16°C
Мадрид	24°C	25°C
Пекин	26°C	27°C
Гонгконг	28°C	29°C
Рим	26°C	25°C
Анқара	27°C	28°C
Токио	34°C	33°C
Стокгольм	15°C	16°C
Кейптаун	21°C	22°C
Қоҳира	21°C	22°C
Гавана	33°C	32°C
Вашингтон	30°C	31°C

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1526,45	1 Миср фунти	283,87	1 СДР	2468,06	10 Жанубий Корея вони	13,94
1 Англия фунт стерлинги	2536,48	1 Канада доллари	1569,76	1 Туркия лираси	1084,54	10 Япония иенаси	188,92
1 БАА дирҳами	440,75	1 Хитой юани	241,01	1 Швейцария франки	1602,07	1 Россия рубли	52,08
1 АҚШ доллари	1618,89	1 Малайзия рингити	521,72	1 Евро	2096,66	1 Украина гривнаси	204,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрўэътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат – Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабиҳ ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз ҳудудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига муҳтож.

Бироқ, 11-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-торожлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бир ёқлама ёндашувларни истисно қилувчи холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол муаммоси — бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!

Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хомашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжга чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Масалан, 2008-2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички махсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз,** иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган **ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал бошдан «шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик, «янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош котиби Пан Ги Мун таклиф этган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон — Буюк Британия:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи раиси Жон Вейверли раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтириш учун икки томонда ҳам қизиқиш катта экани ва кенг имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, таълим, фан ва маданият ҳамда ҳаво транспорти алоқаси, шунингдек, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Буюк Британия минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистон ва Буюк Британия катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш ҳамда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида 1994 йилда ташкил этилган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгаши мажлислари мунтазам ўтказиб келинаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолатдир.

2009 йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 173,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 200 га яқин қўшма корхона, Буюк Британиядаги 50 дан зиёд фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил равнақ топмоқда. Хусусан, пойтахтимизда 2002 йили ўз фаолиятини бошлаган Тошкент Халқаро Вестминстер университети таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигимизга ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, турли халқаро ва жамоат ташкилотлари доирасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

2009 йили ташкил топган «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи фаолиятининг устувор йўналишлари икки мамлакат ўртасида турли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, парламентлараро мулоқотни таъминлаш ва бу борада ўзаро ахборот ва тажриба алмашувини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, сиёсий алоқалар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш, минтақавий ва глобал энергетика ва сув хавфсизлиги муҳимлигини тарғиб этиш ҳамда маданий алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 19 сентябрь куни Нью-Йоркка сафари давомида Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди ҳамда «Британия — Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси Ҳартли Бут ва «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлган учрашувда томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Учрашув якунидаЎзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия Парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат мамлакатларимиз ўртасида парламентаризм алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни жадал тараққий эттиришни кўзда тутади.

— Парламентаризм соҳасидаги ўзаро алоқаларимиз изчил ривожланмоқда, — деди Жон Вейверли. — Бир неча кун аввал Президент Ислом Каримов билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимдан жуда мамнунман. Учрашув чоғида давлатингиз раҳбари парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва бу борадаги ўзаро мулоқот ва тажриба алмашувини фаоллаштириш зарурлигини қайд этди. Бугун имзоланган ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни, хусусан, парламентаризм йўналишидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Буюк Британия Парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам музокара ўтказди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Электоратнинг ижтимоий фаоллашуви —

қуйи бўғин фаолиятининг самарасига боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Маҳаллада 82 нафар партиядошимиз бор, — деди «Дари Занжир» маҳалласидаги бошланғич ташкилот раиси Гулжаҳон Акрамова. — Ҳар ҳафтада йиғилиб, бошланғич ташкилотимизнинг келгуси иши учун режа тузамиз. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериш йўллари ҳақида маслаҳатлашамиз. Аъзолар билдираётган барча таклифларни амалга оширишга бошланғич ташкилотнинг имконияти етмайди. Шу сабабли, туман, шаҳар партия кенгашлари томонидан қуйи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Менинг касбим шифокор, — деди Моҳира Жўраева. —ЎзХДПнинг Ҳаракат дастури билан танишганимдан сўнг партияга нисбатан хайрихоҳлигим ортди. Аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламини ўз электорати деб белгилаган партиянинг маслаги ва мақсади эзгу, албатта. Уларни амалга ошириш учун нафақат бошланғич ташкилотлар, балки ҳар бир аъзо муносиб ҳисса қўшиши керак, деб ўйлайман. Ахир биз шунинг учун бирлашганмиз-ку!

Семинарда, шунингдек, «Сизнинг ижтимоий ҳамкорингиз ким?», «Депутатларнинг сайловчилар орасида тизимли фаолият олиб боришини ташкил этишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни» деган мавзулар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда, фикр алмашилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олимлар кенгашганда

янги ихтиролар яралади

Тошкент давлат техника университетида «Глобаллашув шароитида инновацион технологияларни шакллантириш ва амалиётда қўллаш муаммолари» мавзуига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтмоқда.

Анжуманда 15 та давлатнинг етакчи илмий муассасалари олимларининг жаҳондаги инновацион технологияларининг энг сўнгги ютуқларига оид маърузалари тингланади.

Шўъба мажлисларида университетнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари олиб бораётган 100 дан зиёд фундаментал, инновацион лойиҳалар ва хўжалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқотлари натижалари таҳлил этилади. Шунингдек, анжуманда биринчи марта университет докторант, аспирант ва тадқиқотчилари томонидан тайёрланган 28 та докторлик ва 61 та номзодлик диссертациялари муҳокама қилинади.

Университет жамоаси томонидан тайёрланган монография, дарслик, ўқув қўлланмалар, вертуал лабораториялар ва илмий ишланмаларини акс эттирган кўргазмани қизиқиш билан томоша қилаётган анжуман қатнашчилари билан суҳбатлашдик.

Ионис РАМПИАС,
Афина технологик таълим университети профессори (Греция):

— Университетларимиз ўртасидаги илмий ҳамкорлик 1996 йилдан йўлга қўйилган. Ўзим уч йилдан буён университетингизнинг энергетика факультети магистрларига «Европада энергия ресурсларини тежаш тажрибаси» деган мавзуда маърузалар ўқияпман. Анжуманда «Европа инновация сиёсати» деган маърузам билан қатнашаман. Ўйлайманки, Европа мамлакатларининг инновация соҳасидаги ютуқлари олимларингизда қизиқиш уйғотади.

Сунжин КИМ,
физика-техника университети профессори (Жанубий Корея):

— 2004 йилдан буён мамлакатимизда ушбу университетнинг магистр ва бакалаврлари таълим олиб келаяпти. Улар бизда мавжуд бўлган мураккаб илмий ускуналар билан ишлашни ҳам ўрганишяпти. Анжуманда «Осиё мамлакатларининг янгиланаётган энергиялари: манбалар ва уларнинг глобаллашуви» деган мавзуда маруза қиламан. Шуни таъкидлашим керак, нанотехнологиялар бўйича мутахассис бўлганим учун юртингиз олимларининг керамик маҳсулотлар тайёрлаш илмий тажрибаларини қизиқиш билан кузатиб бораман ва улардан фаолиятимда фойдаланмоқчиман.

— Анжуманда қатнашишдан мақсадимиз илмий ишларни ўрганиш, бизга мақбул ишланмаларни яратган олимлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, — дейди **Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Тамара ШАВЛЯКОВА.** — Ишончим комил, анжуманда баён этилган айрим илмий ишланмалар келажакда комбинатимизда жорий этилади.

Дарҳақиқат, анжуман қатнашчилари ишлаб чиқариш корхоналарида, хусусан, Навоий тоғ-металлургия комбинатида ҳам бўлишади. Бу танишувлар олимларга янги илмий ғоялар бериши билан бирга илғор инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини тезлаштиради.

Асрор МЎМИН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон – БМТ:

ҲАМКОРЛИК САРҲАДЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА



■ Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганига 19 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида мустақил мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалди ва мустаҳкамланди. Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида юксак минбарлардан янграган ташаббуслари мамлакатимиз 1992 йилда аъзо бўлиб кирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

1992 йилнинг 2 мартида БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг миллий байроғи ҳилпиради. Ушбу кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ўша ондан бошлаб БМТ билан ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар, жумладан, бугунги кундаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалардир.

БМТ билан мамлакатимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиши фаол сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиши орқали мазкур сиёсий мулоқотга тамал тоши қўйилиб, давлатимиз раҳбари илк бор мустақил Ўзбекистон ва унинг имкониятларини халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Шу билан бирга Президентимиз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари суриб, бу ҳақдаги шартнома 2006 йилнинг сентябрь ойида Семипалатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 61- ва 63-сессияларида Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилик овози билан «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд» Резолюцияси қабул қилинди, 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, бу ҳақдаги Шартнома кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1995 йилнинг октябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ эмбаргосини жорий қилиш ҳамда ушбу мамлакатга дўст бўлган давлатлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур ташаббус 1999 йилда «Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларациясида ўз аксини топди. Бу декларация афғон заминида тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойилларини ўз ичига олган бўлиб, «6+2» дея юритилувчи мулоқот гуруҳи иштирокчиларининг нуқтаи назарлари ва ёндашувларини бирлаштирувчи муҳим ҳужжатга айланди.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида БМТ билан ҳамкорлик доирасида 2008 йил апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов афғон муаммосини ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифни илгари сурганди. Бу гуруҳга Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар билан бирга, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг кириши назарда тутилган.

2000 йилда мамлакатимиз Президенти дунёнинг 150 дан зиёд давлатлари раҳбарлари қатнашган БМТнинг «Мингйиллик саммити»да иштирок этди. Икки мингинчи йиллик оралиғида ўтказилган сессия қатнашчилари Ўзбекистон Республикасини «БМТ Мингйиллик Ассамблеяси» раисининг ўринбосари этиб тайинлаб, мамлакатимизга катта ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича агентлиги ва бошқа институтлари билан Ўзбекистон ҳудудидаги қирғизистонлик қочоқларга ёрдам кўрсатиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилди.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон жанубидаги зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш борасидаги тадбирлари ҳамда унинг оқилона ва вазмин сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. Бир қатор давлатлар раҳбарлари, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Қирғизистон президенти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга 2010 йил июнь ойида Қирғизистон жанубидаги фожиали воқеалар оқибатида юзага келган вазиятни бартараф этиш борасидаги Ўзбекистоннинг конструктив саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдиришди.

Ўзбекистон БМТ ва унинг наркоагрессияга қарши ихтисослаштирилган муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2002 йил октябрь ойида БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг Ўзбекистонга расмий ташрифи амалга оширилди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва ушбу марказ Алмати шаҳрида очилишига келишилди.

Ўзбекистон ва БМТнинг экология соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида Оролбўйидаги вазият деградациясининг олдини олиш ва Орол фожиаси оқибатларини енгиллаштириш бўйича қабул қилинган тезкор чоралар устуворлик аҳамиятига эга. БМТ Ўзбекистонга ушбу масалани ҳал этиш борасида кўмак беришга тайёр.

Орол денгизи экологик фожиасининг жиддийлигини иноботга олган ҳолда, Ўзбекистон БМТ вакилларининг фаол иштирокида 2008 йилнинг 11-12 март кунлари Тошкент шаҳрида «Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгиллаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари» мавзуидаги халқаро конференция ўтказди.

2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун шахсан Оролбўйи минтақасига ташриф буюрди. Унинг сўзларига кўра, кўрган манзаралари унда ўчмас таассурот қолдирди. Пан Ги Мун Орол муаммосини ҳал этишга кўмаклашишга, ушбу экологик фожиа оқибатларини бартараф қилиш учун БМТнинг эксперт салоҳияти, молиявий ва бошқа ресурсларни жалб этиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилган «Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчилик мақомини бериш» тўғрисидаги резолюция БМТ Бош Ассамблеяси 63-сессиясида барча томонидан қўллаб-қувватланган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Пан Ги Мун Марказий Осиё давлатлари томонидан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни тўла қўллаб-қувватлади.

Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш сув-энергетика ресурсларидан рационал ва оқилона фойдаланиш масалалари билан бевосита боғлиқ. Трансчегаравий дарёларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу масала бўйича БМТнинг 1991 йил 25 февраль, 1992 йил 17 март ва 1997 йил 21 майдаги конвенциялари давлатларнинг «трансчегаравий таъсирга эга бўлган фаолиятни амалга оширишда трансчегаравий дарёларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, улардан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишга» мажбур эканлигини уқтиради.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, Марказий Осиёнинг сув-энергетика муаммоларига учинчи давлатларнинг аралашувини маъқул кўрмайди. Ўзбекистон БМТ конвенцияларига биноан трансчегаравий дарёлардаги барча гидроэнергетика лойиҳаларини БМТ шафелиги остида халқаро экспертизадан ўтказиш нуқтаи назарини қатъий илгари суради.

Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар билан ўзаро муносабат доирасида БМТнинг Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси (ЕИК), БМТ савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси гуруҳи каби ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлик ривожланмоқда.

1993 йилдан бери республикада БМТнинг йирик дастури – Тараққиёт дастури, 1999 йилдан буён мамлакатга оид ҳамкорлик дастури асосида тайёргарлик ва татбиқ этиш амалга оширилмоқда.

Мамлакатга оид ҳамкорлик дастурининг асосий вазифаси Ўзбекистонга қисқа ва ўрта муддатларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифаларини ҳал этишда техник ва консультатив ёрдам кўрсатишдир.

2010-2015 йилларда Мамлакатга оид ҳамкорлик дастури умумий миқдори 43 миллион 318 минг АҚШ долларидан иборат бўлган дастурни амалга ошириши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ушбу ташкилотнинг Европа ҳудудий бюроси ва Ўзбекистон Репсубликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ОИФ/ОИТСга қарши кураш ҳамда уларнинг олдини олиш, сил, безгак, юқумли ва юқмайдиган касалликларни профилактика қилиш ҳамда санитар ҳолатини яхшилаш, оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш соҳалари саналади.

Ўзбекистон БМТнинг низомий, ёрдамчи ва конвенциявий ташкилотлари билан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу йўналишда 70 дан ортиқ ҳужжатлар билан бирга олтита асосий битимга қўшилди. Ўзбекистон ушбу ҳужжатлар доирасида ўзининг халқаро мажбуриятларини изчил равишда бажаради ва мазкур соҳада ўз сиёсатини ишлаб чиқади.

2008 йилда Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилдаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш халқаро кампанияси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасида ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгашида катта қизиқиш уйғотди.

Минтақавий ва глобал муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги БМТ ва ШҲТ каби минтақавий тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ундайди. ШҲТга раислик қилувчи мамлакат сифатида Ўзбекистон БМТ ва ШҲТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштирган ҳолда том маънода ўзаро шерикчилик хусусиятини намоён қилди.

2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Марказий Осиёга ташрифи доирасида БМТ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Нью-Йорк шаҳрига расмий ташрифи Ўзбекистон ва БМТнинг келгусидаги стратегик шерикчилик ҳамда ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланишига кучли таъсир кўрсатади ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро даражадаги нуфузи юксалишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН ҲАММУАЛЛИФЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИГА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА КУЗАТУВЧИЛИК МАҚОМИНИ БЕРИШ» ТЎҒРИСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 63-СЕССИЯСИДА БАРЧА ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ. ПАН ГИ МУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ТОМОНИДАН ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ.

Хорижда

Парламент тарқатиб юборилади

бу ҳақда қарор қабул қилинди

■ Молдова Конституциявий суди парламентни тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Ўтган йили 10 ноябрь куни парламентда ўтказилган президент сайловида ҳамда 7 декабрда ўтказилган такрорий сайловда президент сайланмаганлиги бунга асос бўлади. Куни кеча ўтказилган умумхалқ референдумининг барбод бўлиши эса бу жараённи тезлатди.

Маълумки, Молдова қонунчилигига кўра, мамлакат президенти парламент депутатлари томонидан сайланади. Парламентда шаклланган сиёсий кучлар нисбати эса президентни сайлаш учун етарли эмас. Бунинг учун мухолифатдаги депутатларнинг маълум қисми ҳукмрон партия депутатларига қўшилиб овоз бериши ёки аксинча ҳукмрон партия мухолифат номзоди учун овоз бериши даркор. Аммо депутатлар бундай қилишни хоҳлашмайди. Шу боис ҳам сайлов қонунчилигига ўзгартиш киритиш, яъни президентни умумхалқ сайлови йўли билан сайлаш мезони юзасидан референдум ўтказилган эди. Бироқ референдум ўтган, дея ҳисобланиши учун иштирокчилар сони етарли бўлмади.

— Энди, — дея хабар беради «Новости» АА. — Молдова қонунчилигига кўра, парламент тарқатиб юборилиши ва янги парламент сайловини ўтказиш муддати белгиланиши даркор.

Эслатиб ўтамиз, Молдовада бир йилдан ортиқ вақт ўтяптики, президент сайлангани йўқ. Президент вазифасини эса парламент спикери Михай Гимпу вақтинча бажариб келмоқда.

Минглаб тинч аҳоли

ўз уйларини ташлаб кетди

■ Яман жанубидаги Шабва музофотига қарашли Ал-Хота шаҳри ва унинг атрофларида яшовчи аҳоли бу ҳудудда якшанба куни яна бошланган шиддатли жанглар боис, ўз уйларини ташлаб, хавфсиз ҳудудларга чиқиб кетишга мажбур бўлмоқда. «Reuters» АА хабар қилишича, шу кунгача 12 минг аҳоли уйларини ташлаб кетди.

Жанг ҳукумат қўшинлари билан «Ал-Қоида» террорчилар ташкилоти жангарилари ўртасида бормоқда.

Маълумки, ўтган йил 25 декабрда Яндан АҚШга учган самолётни портлатмоқчи бўлган, лекин бунинг уддасидан чиқолмай қўлга тушган яманлик террорчи воқеасидан сўнг «Ал-Қоида»нинг маҳаллий бўлими террорчиларига қарши кураш Яманда авж олди. Умуман, Яман ҳукумати қўшинининг террорчиларга қарши кураши кўп йиллардан бери давом этиб келмоқда.

Нефть захираси

яна 80 йилга етади

■ Аниқланган нефть конларини ўзлаштириш бугунги кун даражасида давом этса, Саудия Арабистонидаги нефть захираси яна 80 йилга етади.

Саудия Арабистонидаги «ARAMCO» нефтни қайта ишлаш давлат компанияси директори Холид ал-Фолих Монреалда бўлиб ўтган 21-жаҳон энергетиклари конгрессида шундай баёнот берди, дейилади «MIGnews» ахборотида.

Аммо Фолихнинг айтишича, нефть қазиб олиш бугунги кун даражасида сақланиши амри маҳол. Негаки, глобал иқлим ўзгариши, заҳарли газларнинг атмосферага кўплаб чиқарилаётгани, бу ҳолатларга қарши курашни кучайтириш ҳақида қанчалик кўп гапирмайлик, барибир асосий энергия манбаи ҳисобланмиш нефтга бўлган эҳтиёж ўсиб бораверади. Шу боис ҳам Саудия Арабистонида нефть қазиб олиш даражаси 40 фоиздан 70 фоизгача кўтарилиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, кейинги 20 йилда дунё бўйича 3 миллиард одамнинг йиллик даромади 10-30 минг долларга ортади. Бу эса ўз-ўзидан кутилмаган даражада энергияга бўлган эҳтиёжни ошириб юборади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2006 йил 10 сентябрда Усмонова Гуллола Шоирхоновна номига берилган қайд рақами 21, BN№ 154236 рақамли бўлган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Халқ банки:

Ўрганиш, изланиш — ютуқлар омили

Ҳамкорлик

■ Пойтахтимизда Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ва Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки ўртасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаси муваффақиятли якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки, етти йил муқаддам Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлараро келишув баённомасига кўра Халқ банки ва Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ўртасида ҳамкорлик лойиҳаси шартномаси имзоланган эди. Бундан асосий мақсад — банкни ривожлантириш, банк операцияларини кенгайтириш, аҳоли ва кичик бизнес субъектларига халқаро стандартларга мос келувчи молиявий хизматларнинг янги турларини тақдим этишда Халқ банкини қўллаб-қувватлашга қаратилганди.

Ҳамкорлик йўналишлари банк ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш, кичик бизнес субъектларини кредитлашни замонавийлаштириш, банк бошқарувини шакллантириш, чекка туманларда кўчма филиаллар фаолиятини ва минтақаларда намунавий филиалларни ташкил этишни қўллаб-қувватлашни қамраб олди.

Халқ банки бошқаруви раиси Нодир Назаров тадбирда таъкидлаганидек, етти йил давомида ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ижобий натижаларга эришилган. Чунончи, лойиҳадан ўрин олган банкнинг 38 та филиали техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланиб, улардан 19 таси намунавий филиал мақомини олган. Бундан ташқари, Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди ёрдамида Халқ банки бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти филиалларида ўқув марказлари ташкил этилиб, зарур компьютер техникалари, замонавий офис мебели ҳамда ўқув материаллари билан таъминланди. Уларда ходимлар малакасини ошириш бўйича семинар ва курслар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Республикамизнинг олис ва аҳоли зич жойлашмаган ҳудудларида банк операцияларини ошириш учун 5 та махсус жиҳозланган кўчма филиаллар (махсус «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар) ажратилган.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ОЛИС ВА АҲОЛИ ЗИЧ ЖОЙЛАШМАГАН ҲУДУДЛАРИДА БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ОШИРИШ УЧУН 5 ТА МАХСУС ЖИҲОЗЛАНГАН КЎЧМА ФИЛИАЛЛАР (МАХСУС «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ» РУСУМЛИ АВТОБУСЛАР) АЖРАТИЛГАН.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки

Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси

Ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ўтган давр мобайнида кичик бизнес субъектларига жами 4 миллион евро миқдорида кредитлар ажратилди, натижада 3300 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Халқ банкининг 150 дан ортиқ мутахассиси Германиянинг етакчи молия институтлари ва банкларида бўлиб, уларнинг иш тажрибасини ўрганиш, семинарлар ва ўқув курсларида ўз билим ва тажрибаларини ошириш имкониятига эга бўлишди.

Кўриниб турибдики, ҳамкорлик лойиҳаси якунлари бўйича олинган барча билим, тажриба ва кўникмалар Халқ банкининг янада ривожланишида, илғор молиявий технологияларни ва банк иши халқаро стандартларини жорий этишда кенг фойдаланилади. Зеро, ўрганиш, изланиш — ютуқлар гаровидир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

■ Инсон учун Ватан ўзи туғилиб ўсган муқаддас хонадоннинг остонасидан, унинг киндик қони томган азиз тупроқдан бошланади. «Ватанни севмоқ имондандир», деган ҳикматли иборанинг моҳиятига кўра, она юрт муҳаббати одамнинг қалбидан чуқур жой олиб, ҳаётининг маъно-мазмунига айланади. Қадимий диёримиздан етишиб чиққан Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Қаффол Шоший, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби буюк аждодларимиз ўз тахаллусларини табаррук юрт номи билан атаганлари Ватанга бўлган буюк меҳр-муҳаббатнинг ўзига хос амалий ифодасидир.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг раҳнамолигида мамлакатимизда улуғ аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларнинг руҳи покларига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш эзгу анъаналаримиздан бирига айланди. Бу бежиз эмас, албатта. **Чунки халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи аждодларимизнинг она юрт муҳаббатини эътиқод даражасига кўтариб, бу йўлда ҳақиқий ибрат намунасини кўрсатиб яшаганидан далолат беради.** Аёл бўлишига қарамай Тўмарис Ватан учун жангга кириб, босқинчиларни тор-мор қилгани, Широқ кучли ақл-идроки ва ботирлиги билан душман қўшинларини сувсиз чўлу биёбонларда маҳв этгани, Спитамен бошчилигида юрт мудофаасига бел боғлаган аждодларимиз озодлик ва мустақилликни ҳимоя қилиб, юксак мардлик ва жасорат кўрсатганлари, ҳеч шубҳасиз, бизда чексиз ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Одатда, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат инсонга қудратли куч-қувват бахш этиб, уни ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодир инсонга айлантиради. Ана шундай муҳаббат туфайли Жалолиддин Манғуберди тақдирнинг оғир зарбаларига дош бериб, метин ирода ва ҳарбий салоҳиятни намойиш этиб, босқинчиларга қарши курашда жасорат намуналарини кўрсатди.

Бундай мисолларни халқимиз ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин.

Ана шундай ватанпарвар аждодларимиз хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси сифатида Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2000 йили азим пойтахтимиз Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. 2010 йил 31 августда мазкур масканда бўлиб ўтган маросимда иштирок этган давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаган эди:

«Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлмиш мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дориломон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатағон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта».

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида изчил ва қатъият билан илгарилаб бораётган Ўзбекистонимиз тарихан жуда қисқа даврда улкан ютуқларга эришди ва эришмоқда. Миллий давлатчилигимиз билан бирга қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, бетакрор маънавиятимиз, қадрият ва анъаналаримиз, тарихий хотирамиз, миллий ўзлигимиз ҳам тикланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, **«Эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи ортиб бормоқда»**.

Энг муҳими, тинчлик ва барқарорлик бизнинг бебаҳо бойлигимизга айланди. Тинч-тотув яшашнинг нақадар буюк бахт экани ҳақида мумтоз қомусий олим Абу Наср Форобий шундай ёзган эди: «Одамлар инсоният қавмига мансуб бўлгани туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим».

XX асрнинг ўзида иккита жаҳон урушини ва унинг даҳшатли оқибатларини бошдан кечирган кишилик жамияти томонидан бугунги кунда Ер юзида тинчликни сақлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса тинчлик ва хотиржамликнинг бирламчи ҳаётий эҳтиёж, тараққиётни таъминлашнинг зарурий шарти экани инсоният томонидан ҳар қачонгидан ҳам теранроқ англаб етилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга энг устувор масала сифатида қаралиб, бу йўлда тизимли ва тадрижий равишда улкан ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида давлатимиз суверенитети, тинчлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини асраш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, умуман, барча эзгу мақсадларимизга етишнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда, бугунги мураккаб замонда бизнинг ютуқларимизни кўролмасдан, осуда ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган ёвуз кучларнинг мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, тинчликни асраш, уни асраб-авайлаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси саналади. Бунда халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида Ватанимизнинг эртанги куни ва истиқболи учун дахлдорлик туйғусини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш малакасини тарбиялаш, бу борадаги ғоявий-тарбиявий ишларни тизимли ташкил этиш бениҳоя улкан амалий аҳамият касб этаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон деган шу азиз Ватан тинчлигини сақлаш учун ҳар биримиз масъулмиз.

Хусусан, ҳалол меҳнат билан мўл ҳосил етиштирган деҳқон, илму фан тараққиёти йўлида фидойи бўлган олим, муҳташам биноларни, темир йўллару кўприкларни бунёд этаётган қурувчилар, ёш авлодга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-мураббийлар... барқарорлик ва осуда ҳаётни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Демак, ўз касби ва бурчига виждонан ёндашув тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Юрт тақдири учун дахлдорлик туйғусини ҳис этишда ҳушёрлик ва огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Умрининг мазмунини «Миллатнинг дардига дармон бўлишдан иборат», деб билган Соҳибқирон Амир Темурнинг сўзларида ҳам ана шу фикр ўзининг мужассам ифодасини топган.

Халқимизнинг асрлар оша тўпланган тажрибасини ихчам тарзда ифодалаган мақолларда ҳам бу ҳақиқат акс этган. Жумладан, «Офат кўрмай десанг, ҳушёр бўл», «Эҳтиётинг бўлса, эҳтиёжинг бўлмас» каби мақолларда ҳушёрликнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни нақадар юқори баҳоланганини кўриш мумкин. Ҳушёрликни таъминлашда кичик, майда-чуйда нарсанинг ўзи бўлмайди. «Бир гугурт бир қишлоқни ёндиради», «Бир таёқ бошни ёради» каби халқ донишмандлиги намуналари бундай эътиборсизликнинг инсон ва жамият ҳаётида қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигидан бизни огоҳ этади. Шундай бўлса-да, афсуски, ҳаётимизда ҳали-ҳануз беғамлик, лоқайдлик, содир бўлаётган ҳодисаларни кўриб кўрмасликка олиш каби иллатлар мавжудлиги, орамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашни фақат давлатнинг иши, «бунинг менга дахли йўқ» деб ўйлайдиганлар ҳам борлигини қайд этиш лозим. Машҳур адиблардан бири «Лоқайдлик дунёдаги энг кучли зилзила ва бўронлардан ҳам ёмон душмандир!» деб ёзгани бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, беғарволик ва беғамлик барча даврлардаги кулфат ва мусибатларнинг асосий сабаби бўлган. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги қуйидаги фикрга эътибор қаратайлик: «Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бироқ бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли Ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади». Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу сўзлар лоқайдлик ва бефарқликдан келиб чиқадиган оқибатларнинг даҳшатини тасаввур қилиш имконини беради.

Тарих тажрибаси ҳам, бугунги ҳаёт ҳам шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир халқ, ҳар бир инсон учун бебаҳо неъмат, улуғ саодат ҳисобланган тинчликка ўз-ўзидан — фақат хоҳиш-истак, орзу-умид билан эришиб бўлмайди.

Тинчлик ва осойишталик доимий ва қатъий ҳаракатларни талаб этади. Демак, ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидқидилдан амалга ошириши, лоқайдлик, беғарволикнинг олдини олиши, ёнатрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қараб, дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини мустаҳкамлаб бориши, Ватан тинчлиги йўлида сергак ва огоҳ бўлиб яшаши, фарзандларимизнинг онгу қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш аждодларимизга армон бўлиб қолган, биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, тинчлик учун доимо ўзимизнинг бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшашимиз лозим. Чунки тинчлик халқимиз учун энг улуғ ва мукаррам неъмат бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Илёс МИРЗИЁТОВ,
Жаҳонгир МЕЛИҚЎЗИЕВ.

ЭНГ МУҲИМИ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК БИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗГА АЙЛАНДИ. ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШНИНГ НАҚАДАР БУЮК БАХТ ЭКАНИ ҲАҚИДА МУМТОЗ ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ НАСР ФОРОБИЙ ШУНДАЙ ЁЗГАН ЭДИ: «ОДАМЛАР ИНСОНИЯТ ҚАВМИГА МАНСУБ БЎЛГАНИ ТУФАЙЛИ ЎЗАРО ТИНЧЛИКДА ЯШАМОҚЛАРИ ЛОЗИМ».

Кучлилар сараланмоқда



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Спорт

■ Пойтахтимизда Tashkent open халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Асосий тўр учрашувларининг дастлабки босқичида ҳамюртларимиздан фақат Оқгул Омонмуродова муваффақият қозонди. У грециялик таниқли теннисчи Ирини Георгатуга қарши кортга чиқиб, ҳар икки сетни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди — 6/4, 6/3.

Йилдан-йил тажрибаси ортиб бораётган умидли ракеткачимиз Нигина Абдураимова белоруссиялик Дарья Кустова билан баҳс юритди. Учрашувнинг илк дақиқаларидан рақибига қарши шижоат билан ўйнаганлиги боис, кўпчилик унинг ғалабасига ишонч билдирганди. Бироқ дастлабки сетда 7/5 ҳисобида Кустовадан устун келган ракеткачимиз қолган икки сетни бир текис ўтказа олмади — 3/6, 3/6. Натижада Нигина мусобақани дастлабки даврадаёқ якунлашга мажбур бўлди. Шунингдек, теннисчиларимиз Сабина Шарипова ҳамда Алина Абдураҳимовалар учун ҳам ушбу турнир ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтаб берди. Сабина словакиялик Мария Рибариковага, Алина швейцариялик Стефани Вогелга имкониятни бой берди.

Кеча иккинчи босқич учрашувида Оқгул Омонмуродова Жил Крайбас (АҚШ)га қарши кортга чиқди. Америкалик спортчи биринчи учрашувда қирғизистонлик К.Палкинани (6/2, 6/3) мағлуб этганди. Ниҳоятда муросасиз ва шиддатли кечган бу баҳс 1 соату 57 дақиқа давом этди. Унда омад Оқгулга кулиб боқди — 7/5, 6/7(6), 6/2.

Эркин ХОЛБОБО.

Суратда — Оқгул Омонмуродова.

Ҳужжатсиз дорилар

Қинғир иш — келтирар ташвиш

■ Давлатимиз томонидан тадбиркорларга барча қулайликлар яратилганига қарамай, айримлар ҳалол меҳнатдан қочиб, қонунларни четлаб ўтиб, мўмай даромад топишга уринишади. Бундайлар ўз хатти-ҳаракати одамларга, жамиятга қанча зиён-заҳмат келтираётганини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Деновлик Зулфия Расулова ҳам ана шундай кимсалар тоифасидан экан.

Тезкор маълумотлар асосида Денов туман МХХ ва Давлат солиқ инспекцияси ходимлари шу йилнинг 8 сентябрида унинг хонадонида текшириш ўтказишди. Бу ердан тегишли рухсатнома ва ҳужжатларсиз сотилаётган 55 турдаги 3 миллион 72 минг 350 сўмлик дори-дармон далилий ашё сифатида олинди. Шундай қилиб, қинғир иш «уддабурон» дорифурушга ташвиш келтирди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Йўлларда болаларимизни асрайлик!..

Огоҳликка даъват

■ Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига келаётган кундалик маълумотларни таҳлил қилсак, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида болалар билан боғлиқ 1092 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилганлигини, 119 нафар бола ҳаётдан бевақт кўз юмиб, 1034 нафари турли даражада тан жароҳати олганини кўрамиз.

Шу йил 2 август куни Ғаллаорол туманида яшовчи Зафар Маматов отаси Азим Маматовга тегишли «ВАЗ-2106» русумли автомашинани ишонч қоғозисиз бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда — 1999 йили туғилган Шербек Рустамовни уриб юборади. Натижада у оғир тан жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмади.

5 август куни Косон туманидаги Муҳдагул маҳалласида яшовчи Элёр Авезов шахсий «Ласетти» русумли транспорт воситасида йўлнинг ўнг томонидан велосипедда кетаётган 4-синф ўқувчиси Озодбек Нашпантовни уриб юборади. Оғир тан жароҳати туфайли у ҳам шифохонада оламдан ўтади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили ва жойларда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, кўнгилсизликларнинг асосий сабаби — бу болаларнинг «Йўл ҳаракати қоидалари»ни яхши билмаслиги, ҳаракат хавфсизлиги кўникмасига эга эмаслигидир.

Бунда ота-онанинг айби кўпроқ. Негаки, улар фарзандига ҳаракат хавфсизлиги бўйича оддий тушунча бермайди. Бола катта кўчани белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётганини кўриб турса-да, уни қайтармайди. Ҳолбуки, аввало ота-она, қолаверса, мураббий-ўқитувчилар бу борада болада бирламчи тушунча ва кўникма ҳосил қилиши лозим.

Биз юқорида айрим мисоллар келтирдик. Гап фарзандларимиз ҳаётини асраш ҳақида бормоқда. Мактабда йўл ҳаракати қоидалари бўйича махсус дарс ўтилади. Мана шу дарсга эътиборни кучайтириш керак. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она болага ҳаракат хавфсизлиги талаб этадиган оддий, лекин ҳаёт учун муҳим бўлган шартларни эслатиб турса, уларни хавф-хатардан асраган бўламиз.

Азизхон МУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори, лейтенант.

Газетанинг навбатдаги сони 28 сентябрь, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
7943 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 02.15
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda